

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

5 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16—17 январда Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликларнинг ҳақиқий тафсилотини, сабабларини аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни теда куриб чиқиш, шунингдек рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиди. Унда республика вазири раҳбарлари, олий ўқув юрталарининг ректорлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси А. Муталов олиб борди. Унда Талабалар шаҳарчасида фожиа воқеаларга олиб келган тартибсизликларнинг сабабларини аниқлаш ва келгусида бундай воқеалар рўй бермаслигининг олдини олиш чоралари ҳақида кичик комиссиянинг раҳбарлари — Тошкент

шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг бўлим mudiri Б. Қодиров, Тошкент ҳуқуқшунослик дорилфунунининг ректори, комиссия аъзоси А. Аъзамхўжаев, шу масала юзасидан парламент комиссиясининг иши ҳақида шу комиссиянинг раиси И. Файзуллаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. Мустафоев ахборот бердилар.

Мажлисида республика комиссияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда муайян иш олиб бораётганлиги айтилди. Айни вақтда унинг фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига асосий эътибор қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. Алламуродов қатнашдилар. (ЎзА).



ЭРТАҚЛАР ОБЛАТИДА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ҲУҚУ ЮРТЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИГА, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ВА ТАЪЛИМ-ЕРДАМЧИ ХОДИМЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий ва ўрта махсус ўқув юрталари профессор-ўқитувчилар таркибининг, илмий ходимлари ҳамда таълим-ердамчи ходимларининг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш, нархлар эркин бўлган шароитда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча типлардаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйлари тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонининг қуйидаги қисмлари қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар республика олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилар таркибига, илмий ходимлари ва таълим-ердамчи ходимларига ҳам жорий этилсин:

- улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб бепул бериш;
- квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлар;
- ер участкаларини ва яқна тартибдаги қурилиш учун биноқорлик материалларини сотиб олишга биринчи навбатда ажратиб бериш.

Фармон мазкур бандининг амал қилиши камида 10 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимларнинг ушбу тоифасига мансуб пенсионерларга жорий этилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни рўйбга чиқаришда доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида 10 кун муддат ичда қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

3. Ушбу Фармон 1992 йилнинг 1 мартдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 5 февраль.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УРТОҚ Ж. А. АБДУЛЛАЕВИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Жўра Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 5 февраль.



Жумҳуриятимиз педагогларига қўриқилган гам-хўрликлар, берилаётган қўлиб имтиёзлар уларни изла-нишлар сари, фан қирралари-ни чуқур ўзлаштириб, ўқу-вчиларга таълим-тарбия бери-шиларни янгича методларни қўллашга даъват этмоқда.

Масалан, биринчи тоифали муаллима, рус тили мутахассиси Р. Бегалиева дарс ўтишининг янгича услуби билан мактабдагина эмас, балки ноҳияда шу фан мутахассисларига ўрнак бўлмоқда.

Ешларини байналмиқал руҳда тарбиялашда, уларга тил ўргатиш, қардош миллатлар маданияти ва урф-одати билан таништиришда ўттиз бир йилдирки, опа фидойлик қилиб келмоқда. Унинг иш тажрибалари ноҳияда бир неча бор омма-лаштирилиб, еш муаллим-ларга ибрат қилиб кўрсати-лмоқда.

Дарвоқе, худди шунингдек, А. Абдуллаева ҳам ешларга сабоқ беришда Р. Бегалиева-дан орқада қолаётгани йўқ. Узининг йигирма йиллик меҳнат фаолиятига сунган муаллима ўқувчиларни бил-лимли, ҳар жиҳатдан етуқ қилиб тарбиялашда бор им-кониятлардан кенг фойдалан-моқда. Айниқса, кейинги пайтда дарслик ва дастурлар муаммоси барча педагоглар қаторида ноҳия муаллимла-рини ҳам қийнаб келарди. А. Абдуллаеванинг бу соҳада қиритган ташлифи ва ўзи тай-ёрлаган қўлобола хужжатлар кўпчилик муаллимлар учун асқотди. Эндиликда улар янги услубдан фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқ-далар.

Суратларда: Тошкент ноҳиясидаги 4-мактабнинг ил-гор педагоглари Р. Бегалие-ва ҳамда А. Абдуллаевалар дарс пайтда.  
Р. АЛЬБЕКОВ тасвири.

### Оталиқ ташкилотлари ҳақида ҳикоялар САККИЗ СИГИРЛИ МАКТАБ

Жумҳуриятимизда мустақиллик эълон қилингандан кейинги бўлаётган ўзгариш-лару ислохотларни сиқич-лик кузатишда, унда иқти-содий масалаларни ҳал этиш етакчи ўрнида эканлигини шиош ҳисоб қилиш мумкин. Турган гапни, қорин оқ одам, аввало, уни тўғригинашга, сўнгга бошқа ниларга қўл у-ради. Жамиятни бир бу-ғунча олсак, бунинг жам-ланган, ахлит кўринишини илганмиз. Бу ҳолда маъна-вий омилларнинг иқкинчи даражага тушиб қолиши та-диқийдек туюлса-да, иқти-содий юксалиш сўзасиз маъ-навий етуқлик билан узвий боғлиқлигини унутмаслик ке-рак. Зеро, маъна қаншоқ миллиятнинг ҳеч қачон ко-са-си оқармаган. Қиқча ҳа-лус шукки, лоқал мадан-ий-иқтисодий маеаларни му-қобил тарзда ривожланти-риш — бирдан-бир тўғри танлов.

Бизнинг давримизда маъ-навий баркамоллик сари йўлинг боши мактабда. «Менга мактабдан не фой-да, ахсис орқича кўлим-дан бирор бир моддий ишлаб чиқариш корхонасига сарф-лайман» деган қалтабинлар-ча фикрлаш таълимни шу аҳволга келтириб қўйди. «Бир соат или талаб эт-моқ бир кеча тоат-ободат-дан афзал» экан, илмин та-лаб этганга имконидан ке-либ қийиб хайро-эхсон қил-ганини ҳам йўли жаннатга яқинроқ бўлур. Ўз қўли о-стидаги ишчи хизматчилар фарзандларининг қанчали тарбия қўришига, илмага эга бўлишига жавобгар эканли-гини сезган, бугун уларга сарфлаган бир сўм вақтлар ўтиши билан ўн хисса бў-лишга қайтиб келишини англа-ган ҳар бир раҳбар қўлидан келганча бу саовобин иш-ни иқтиёр этса маъқул бўла-ди.

### «Маърифат» материаллари изидан

## БОР ЭКАНСИЗЛАР-КУ!

Сиз газетхонларга яхши маълумки, рўзноманинг шу йил 28 январь сониде «Еруғ кунлар келишига ишона-миз!» сарлавҳаси остида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга Фарғона вилояти Охунбобоев ноҳиясининг ўқитувчи ва тарбиячиларининг очиқ хати эълон қилинган эди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши раёсати бу масалани атрофлича муҳокама қилиб, Президент фармонларини оғишмай амалга ошириш юзасидан зарур тадбирларни белгилаб, шу юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратига ахборотнома йўллади. Қуйида ана шу жавоб-ахборотномани эътиборингизга ҳавола қила-миз.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши раёсати шуни ёзиб маълум қиладики, вилоятнинг Охунбобоев ноҳияси ўқитувчиларидан Сизга тушган шикоят ва «Маърифат» рўзномасидаги «Еруғ кунлар келишига ишона-миз!» сарлавҳали очиқ хатлариде ноҳияда ўқитув-чиларга етарли гамхўрлик қилинмаётгани, Президентини халқ ўқитувчисига гам-хўрлик имтиёзлари бериш ҳақидаги фармонларини тўла бажарилмаётгани ҳақида ёзилган эди.

Хатдаги кўрсатилган далилларни ўрганиш ва ама-лий ёрдам кўрсатиш мақса-дида вилоят иқроқўми раиси муовини ўртоқ А. Мансуров бошчилигида алоҳида бригада ташкил қилиниб, атрофлича ўрганиб қилинди. Ўқитувчи-ларга Президент Фармони асосида амалга оширилиши зарур бўлган имтиёзлар ҳам

да уларнинг аризалари асо-сида талаб қилинган нарса-лардан нималар берилмагани белгилиниб, алоҳида тадбир тузилиди. Ноҳиядаги барча корхона, муассасаларнинг раҳбарлари, жамоа хўжалиги бошқаруви раислари, қишлоқ жамоаси раислари ва улар-нинг бош ҳисобчилари, мак-таб директорлари, юқоридаги ташкилот ва муассасалар-нинг вилоят раҳбарлари иш-тирокида йиғилиш ўткази-либ, кенг муҳокама қили-ди. Йиғилишда очиқ хатга-имзо чеккан ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Дарҳақиқат, халқ депутат-лари Охунбобоев ноҳия Кен-гашининг раиси Олимжон Алхонов, иқроқўм раиси Маҳкам Осмоновларнинг раҳ-барлигида ўқитувчиларнинг бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий аҳволини ҳимоя қилиш, Президент фармон-лари асосида ўқитувчиға қи-

линаётган гамхўрлик ҳамда имтиёзларни ўз вақтида еткази-шида, 1—5-синф ўқувчи-ларини бепул нонушта билан таъминлашда айрим камчи-ликларга йўл қўйилган.

Йиғилишда мутасадди раҳ-бар ходимларнинг ҳисоботи эшитилди ва ўқитувчилар-нинг ижтимоий аҳволини ҳи-мом қилишда йўл қўйилган камчиликларни тугатишнинг аниқ вақти белгилиниб, тад-бирлар тасдиқланди. Бу бел-гиланган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи алоҳида комис-сия тузилиди.

Тадбир қандай амалга оширилмаётганини кўриш учун 3-4 февраль кунлари шу ноҳияда бўлиб қўжалик раҳбарлари билан шахсан учурашди. Ноҳияда бажари-лиш имкони бўлмаган айрим масалаларни ечиш учун иқроқўм ишчи ва 21-сонли фармацияши чи-қарилди ва Охунбобоев ноҳиясида аризаласига кўра айрим сабаблар билан ер участкаси ололмаган 143 нафар ўқитувчиға 18,96 гектар ер, уй қуриш ва бошқа мақсадлар учун 31 ўқитув-чиға 221 минг сўм сўда маблағи, 82 минг 200 донна пишиқ ешит, 157 тўн шифер, 146 кубометр тахта, 159 кубометр ёғоч материаллари вилоят томонидан ажратиш-га қарор қилинди.

1—5-синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъ-минлашдаги етишмаган озми-овнат мақсулотлари билан таъминлаш чоралари қўри-лди. Ўқитувчиларни бозор иқ-тисодиёти даврида ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, мактаб ўқувчиларини бепул нонушта ва имтиёзли оватланашлар-ини яхшилаш юзасидан апрель ойида кўргазмали вил-лоят семинари ўтказишга қарор қилинди. Бу тадбирларни белгилаш-да Жумҳурият халқ таъли-ми вазирининг ўринбосари Муртазо Султонович Султо-нов қатнашди.

Қабул қилинган тадбирлар-нинг бажарилиши халқ депу-татлари вилоят Кенгаши раёсати томонидан доимий назоратда олинди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши президиумининг раиси  
**Ғ. ФОЗИЛОВ.**

## ТАРБИЯЧИ—92

...Дид билан безатилган сах-надан ўзбек миллий санъати-га доир қадимий сўзана-лар, палла, чойшаб ва бошқа зар-дулим буюмлари ўрин олган. Шунингдек, сахна ўзбек амалий санъати намуналари билан ҳам безатилган. Тарбиячи болаларни ноёб санъат дурдоналари билан яқиндан таништирмоқда. Болалар ўзларига танниш нарсаларни номламоқ айтиб беришга ва шу аснода келиб чиқиш тарихи, яратилиш ҳақида маълумот бериб, бола-лардан буларнинг қандай мак-садларда ишлатилишини сўраб

қандай жой эканини сўрайди. Ўзбек амалий санъати музейи, — дея бирарақайиға жавоб қайтаришади болалар...  
Ҳа, бу яқинда шаҳримизнинг Куйбисhev ноҳиясида бўлиб ўтган «Тарбиячи — 92» кўриқ-ганловидан бир лавҳа, холос. Ушбу танловда иштирок этган ҳар бир тарбиячи болаларни халқ амалий санъати билан та-ништириш борасидаги ўз ма-ҳоратини ҳам намойиш этишига муваффақ бўлди.  
Ноҳия халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилган кўриқ-танловда деярли барча мактабгача тарбия муассасала-рининг энг тажрибали, моҳир тарбиячилари ўзаро куч синаш-дилар. Мазкур танловга жид-дий тайёрлик қўрилган иштирокчилар берган жавоб-ларда ҳам яққол намоён бўл-ди. Айниқса, тарбиячиларнинг дивр талабидан келиб чиқиб, энг долзарб муаммоларни кў-риштириш ҳақида ўзларини йў-ланрибратган масалаларни очки-рлаш баён этишгани кўпчи-ликка манзур бўлди.  
Кўриқда жами 8 тарбиячи қатнашди. Улар ноҳиядаги 504, 456, 403, 270, 419, 418, 433 ва 80-боғча тарбиячилари Саида Тошпўлатова, Вера Умарова, Таяя Кудрина, Евгения Нейман, Ольга Ширяева, Ира Павлоче-ва, Мухайё Ҳасанова ва Ан-желика Колтуновалардир.  
Уч турдан, иборат кўрик шартларини тарбиячилар мум-кин қадар тез ва қаққонлик билан аниқ бажаришга ҳаракат қилишди. «Психологик ва пе-дагогик ҳолат», «Касб маҳора-ти» ҳақида «Феррат химояси» деб номланган уч тур бўйича иштирок этган тарбиячиларга асосан таълим-тарбия жараё-нининг энг мумкин ва нозик қирраларини очиб, болалар-нинг тасавирий фаолиятларини ривожлантириш, дунёқарашини шакллантириш бўйича са-воллар берилди. Бу саволлар ҳар бир иштирокчи атрофлича жавоб қайтарди. Шунингдек, бола феъл-авторига ва табиати-дан келиб чиқадиган турли хил мураккаб психологик ҳолатлар ҳақида оиладаги кичкинтойга бўлган муносабат, боғча ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги юзасидан берилган саволлар-га ҳар бир қатнашчи ўз иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилди. Юзга келган бундай мураккаб вазиятларда болани-нинг психологик ҳолатига ало-ҳида аҳамият бериш зарурли-гини таъкидлаган тарбиячилар уни қандай бартараф этиш йўлларини ҳам ҳаётий мисоллар орқали кўрсатишди.

(Давоми 3-бетде).







# Н А В О Й И Я А Б А Д И Я Т И

## «ЛУГАТИ НАВОЙИ» ВА БОШҚАЛАР

«Бадойи-ал-луғати» (XV), «Абушқа» (XVI), «Луғати Навоий» (XVI), «Санглох» (XVII—XVIII), «Китоби луғати ағҷоки» (XIX), «Хулосаи Аббосий» (XIX) каби луғатлар эски ўзбек тилининг нодир ёдгорликларидан ҳисобланади. Бу луғатларда йиғирма мингдан ортиқ ўзбек сўзлари бўлиб, турли асрларда қандай эзиллиб, қандай талаффуз қилинганлиги ҳақида ноб муаллоҳлар берилган. Уларда тил тарихи, жумладан, эски ўзбек тилидаги униларнинг ўрганиши бундан одир маълумотлар сақланган. Луғатларни ўрганиш шунинг қўрсаткичи, ўзбеклар араб алифбосини қабул қилган, унга иккундан ёндашганлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Эски ўзбек алифбоси бўйича луғат туздан олимлар дастлабки даврда эски ўзбек тили учун хос, форсийларда учрайдиган п, ч, г ҳарфларини махсус ҳарф сифатида алифбозимизга киритдилар. Буларни махсус ҳарф дейишмигининг сабаби шунки, улар луғатларда алоҳида атамалар билан кўрсатилган. Масалан, «п» ҳарфини луғатчилар бейкамий, «ч» ҳарфини жими ағҷоки, «г» ҳарфини кофи ағҷоки атамалари билан кўрсатганлар. Биринчи бўлиб бу атамалар Толи Имонийнинг «Бадойи-ул-луғат» асарида учрайди.

2. Эски ўзбек тили бўйича луғат туздан олимлар араб алифбосидаги уч белги — алиф, вов, йой ўзбек тилидаги ҳамма унилушуларни бера олишнинг англаб етган, турли йўллари қидира бошладилар. Биринчи навбатида олимлар бу белгилар қаторига сўз бошида келиб у ва ў ҳарфларини кўрсатадиган алифу вов, и ва з ҳарфларини аниқ эттиридан алифу йой белгиларини қиритиб, унилу ҳарфлар сонини бештага етказдилар. Бу билан улар униларни аниқроқ кўрсатиш бўйича катта қадам ташладилар. Бу икки белги «Бадойи-ул-луғат»да бошлаб ҳамма ўзбек луғатларида мунтазам равишда ишлатилган. Кейинчалик луғатчи олимлар бу беш карф: алиф, вов, ёй, алифу вов, алифу йой белгилари эски ўзбек тилидаги униларнинг ҳамма сифат хусусиятларини бера олишнинг мураккаб, уларни янада такомиллаштириш ҳаракати тушди. Бу беш ҳарфни турли грамматик атамалар

билан ишлата бошладилар. Луғатчи олимлар а ҳарфини узунликсизлик, у ва й ҳарфларини кенг-торлик бўйича тасниф қила бошладилар. Масалан, «Бадойи-ул-луғат» муаллифи Толи Имоний оддий чўзиқликка эга бўлган а товушини алиф бўлиб ишлатилган бўйича кўрсатди. Мустафо бинни Содиқ, Али Шомлу, Мирза Махдун, Фатҳ Алихон қисқа а товушини махсус атоми билан кўрсатмасдан, ёзувда хойи ҳавно билан бердилар. Мисолларга эътибор берилса, бу товуш кўпинча к, г, г, м, р ҳарфларидан кейин учрайди. У ва и товушларини луғатчилар тур-кенглик бўйича ажратиб кўрсатганлар.

Кўриниб турибдики, ўзбек луғатчилари ҳар беш ҳарфини турли грамматик қўшимчалар билан ишлатиб, эски ўзбек тилидаги униларни аниқ кўрсатишга эришганлар. Ўзбек луғатчилари эски ўзбек тилидаги ундош ҳарфларини ҳам такомиллаштирдилар. Ўзбек тилига со бўлмаган итқи, изги, сод, зод ҳарфларини алифбозимизга киритмаганлар. Унинг ўрнига ўзбек тилига со бурун товуш неги махсус ҳарф сифатида олиб кирганлар. Толи Хиравийдан тортиб Фатҳ Алихонга ҳамма луғатчилар бу ҳарфини ундош кофи ағҷоки атамаси билан кўрсатдиларки, отабобларимизнинг ақл-заковатига қойил қолган киши. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, отабобларимиз мураккаб араб ёзуви билан тилимиздаги униларни шунчалик маҳорат билан очиб берганларки, беш юз йил ўтгач, ҳозирги олимлар уларни кўриб ҳайратга тушмоқдалар.

Э. УМАРОВ.

Виз узоқ йиллик меросимизни сунъий равишда даврларга ажратиб, минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган ўзбек адабиётининг фақат инқилобдан кейинги палласигагина эътибор бериб келдик. Навоий ижоди ва у ҳақда ёзилган тадқиқотларни ҳам юбилей саналаригагина мўлжаллайдиган бўлиб қолган эди. Эркин фикрлашга сургич урилгач, Навоий хусусида яратилган барча ишлар ҳам бир-бирига ўхшаш бўлиб сийқалаша борди. Бу эса олимларимизнинг илмий услубларини ҳам бузиб юборди, ҳамма бир хил усул ва рангдан, бир хил қараш ва фикрлашга қўйиб қолди. Восма қўлиш бўлиб қолган бу гоғлар ҳануз кўпчилиқнинг фикрларини тарқ етмоқда. Бу нарса Навоий таваллудининг 550 йиллигига мослаб яратилаётган бугунги илмий мақолаларда ҳам сезилиб турибди. Қўнича матбуот саҳифаларида шоир ижодини илмий ўзлашган олимкор олимлар ўрнига ёши санъатининга эгиллиб олган журналистларнинг публицистик мақолалари босиб чиқарилаётди. Бу эса Навоий ижодий фаолияти атрофида айтилган илмий-адабий тўғуларни сийқалаштириб, майдалаштириб юборди. Ҳолбуки, бундан йиғирма беш йил олдин, Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан ўтказилган кунларда адабий таниқнинг мероси билан боғлиқ бир қанча ўзак масалаларни кўйган эди. Унда навоийшунослигимизнинг заршунослари муносабатга чиққан эдилар.

## ПОДШО ҲАЙРАТДАН ЁҚА УШЛАГАНДИ...

Навоий ижодини ўрганиш бўйича бугунгача анчагина ишлар қилинган. Аммо ҳар соҳада бўлганидек, унинг ижоди бўйича ёзилган кўпгина тадқиқотларда гоғвий-сийсий қистовлар заботи билан айтиб юборилган ўта бир томонлама идеаллаштириш замонавийлаштирилган илгари сурлиди. Натжада шоир ижоди бўй-бежалли, хато мулоҳазалар, қарашлар, баҳолашлар вужудга келди. Навоий — демократ, Навоий — синфийлик қашфчиси, Навоий — даҳрий, у подшо ва султонларнинг ашаддий душмани, Навоий — инқилобчи каби тамоман нотўғри тасдиқлашлар шоир меросини ҳақиқий ўрғанишга зарар берди. Энг ёмон, биз Навоийни феодал дунёсини инкор қилган мубориз деб атаб келдик. Навоийшуносликда қилинган энг кўпол хатолардан бири шоирнинг подшолик, султонлик ҳоқимиятининг ашаддий қушанди, феодал тартибнинг емирувчи шахс сифатида қараб келинишидир. Шундан келиб чиқиб, ёшидан то умрининг охиригача бир-бирига катта имон-этиқод ва ҳурмат билан қараб келинган Навоий ва султон Хусайн Бойқаро ўрталарига ҳам улкан «хитой девори» ўрнатилди. Шу йўл билан улар Навоий ижодидан синфий кураш мотифларини ажратиб олдилар. Бир қанча тарихий хроник асарлардаги жонли сатрларга сунъий, шу гапни илмий қарашларнинг асосизлигини кўрсатиш мумкин. Масала тарихийлик нуқтаи назаридан қаралса, Навоий билан Бойқаро ўртасидаги хитой девори ўз-ўзидан қулайди. «Бобурнома»да келтирилган Навоий «бег» эмас, «эрди» деган сўзлар даст қилиниб, илк тадқиқотлардаёқ, шоирни намбағалар тўғрисида мансуб шахс сифатида қарашга одалдилар. Ана шу янглиш фикр бора-бора шохлаб, шоирни ҳамта оҳ-наҳор ҳаёт кечирган йўқли шох деб баҳолашларга борилади. Аслида эса, тарихий воқеликлар шоир ҳақида бутунлай ўзгача ҳикоятлар қилади. Мирза Ҳайдар Дулатнинг «Тарихи Рашиди» асарида тилга олинишича, Алишерлар шажараси аслзодаларга мансуб бўлмаса ҳам, теуриқлар салтанати мақамаларининг ваколатли полларидан хизмат қилиб келган ашрафлардан саналган. Унинг падари Кичкина Баҳодир замонасининг мўтабар арларидан ҳисобланади. Сабзаворнинг ҳоқим сифатида эрта танилган. Ғиёсиддиннинг саройдаги мартабаси аслзодалардан кам бўлмаганлиги

уҷун ҳам, Алишер ёшлигидан бошлаб, султон Хусайн Бойқаро билан баробар сарой муҳитида эъозланади, шаҳзодаларга қилинадиган имтиёзлардан у ҳам баҳраманд бўлиб боради. Бойқаро Ҳирот тахтига ўтирганда, биринчи бўлиб Алишерни эслади ва уни ҳоқимиятни биргалашиб идора қилишга қаҳиради. Саройга келган Алишерга Бойқаро катта муруватлар кўрсатади. Кўп ўтмай, 1472-73 йилларда уни «амирул кабир» деган юксак унвонга ўтказди ва бу унвон унинг умрининг охиригача сақланади. Юксак мартабани эгаллаган Навоий давлат ишларининг асоси ҳисобланган ҳазина ишларига, эллар билан қилинадиган йирик алоқаларга, қурилиш ишоотларига, ҳарбий қаражатлар билан боғлиқ ҳамма вазифаларга жавобгарлик масъулиятида бўлади. Албатта, катта мансабор шахсининг фаразиди бўлиб ўзи «улғу амир» даражасига кўтарилган Навоий кўплар ўйлаган даражадаги очлик, намбағаллик азобларига сурункали дучор қилинган эмас. Унинг Эронда, Сабзаворда, Маҳаллада, Ҳиротда юзлаб танооб ерлари, неча юзлаб чоракор-деҳқонлари бўлган. «Тарихий Рашиди»да қайд этилишича, шахсий мулклари туфайли у ҳар кун ўз ерларидан 18 минг шаҳроҳи атрофида даромад қилиб турган. А. Будаговнинг «Туркча, татарча қиёсий луғот»ида келтирилишича, бир шаҳроҳи 50 қапак динорга баробар келганлигини инобатга олсак, Навоий ҳар кун 9 минг сўмга яқин, ойда эса 270 мингга яқин тилло пулни ўзга билган. Бу деган гап Навоий Абуосид

ди. Бу илтимосни у кўнгил учун эмас, астойдил айтиб, ўзининг учқур қора байрига шоирни миндириб юганини ушлайди. Ҳўш, Хусайн Бойқаро янги бир тахтни қўлга киритгандек, нега бунчалик хурсанд бўлади? Бунинг сабаби, Бойқаро давлат бошлиғи сифатида ўзбек тилини тиритиришга қийинчилиқ сезиб турган бир пайтда, савияси жиҳатдан форс тилида тан олинган «Хамса»лар қаторида дostonлар яратилганлигини кўриб тенгсиз қувонади. Ўғни, Навоийга юклаган мудиоадаги тошпирин қутилганидан ҳам аъло бажарилди. Шоирнинг ана шу таланти Бойқарони унга тағин ҳам қаттиқроқ жиҳлаштиради. Бошқача айтганда, давлатнинг асосий мураккаб масалаларни асосан Навоий орқали бажарилиши. Шу боис ҳам шоирнинг саройдаги улкан мағзега гаши келган душманлар, юртда қандай урф-одат барпо қилинса, «Алишерий» деб киноя қиладилар. Бугина эмас, шоир бир ишнинг ўзини подшога тўққиз маротабагача айтиш ҳуқуқи эга бўлган. Навоийнинг «Муншоот»ига киритилган мактувларда илтимос билан эмас, талаб билан қўйилган қалтис қистовлар ҳам учрайди. Аксарият навоийшунослар Маждиддин туфайли шоир Астрообдга сургун қилинган деган хато мулоҳазаларни айтади. Навоий, энг аввало, замонасининг илғор гуманисти, халқ мушқулинги энгил қилиш учун ҳўқмдор ва амалдорлари ум бўйи адолатга чорлаган давлат арбоби эди.


Шоирнинг Астрообдга ҳоқим қилиб юборилишига, қувин деб қараб, унга ҳадларда бўладиган гоғойиб йўл тўсарликлар подшо қўнглига гулгула солмасиди? Ахир шу Каъба азимати чоғида Улугбек ва Маждиддинларнинг майиллари келтирилмаганими? Бу баъв, ҳўвиллаган кимсасиз шаҳролар қўйида неча ўнг минглаб беғуноҳ тавовчилар ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетгани аниқ-ку! Йўлда бўладиган бундай қароқчиллар бир маҳаллар Шоҳруҳ буйруғи билан Ҳиндистонга сафар қилган Абдураззоқ Самарқандийни ҳам қаттиқ дахлатта солган эди. XV асрда Ўрта Оснедан жўнган 500 кишилик катта қаров сафарларининг бирда араб шаҳроларида бадавий қароқчиларнинг ҳўжумига учраб, мол-ашёлари таланиб, ўзлари қул сифатида қарматларга сотилганлиги ҳам бир далил эди. Бундай йўл азалоблардан ташқари, вабо, безак, ич терлама, ришта, сил ва кўрчак касалликларига чалиниб, тасодифий йўл кетишларни айтмайсизми? Ана шундай Карболо даштларнинг азоби Хусайни изтиробга солмасдан қолмасди.

Навоий ва Бойқаро муносабати масаласини гапирганда, яна бир муҳим нарсани алоҳида қайд қилиб ўтишга тўғри келади. Биз ҳаммаша ўзбек тилининг давлатларга ривожи хусусида гапирганимизда, Навоийнинг назарий ва амалий тарафдан қилган жиддий меҳнатларини эъозлаймиз. Чиндан ҳам у шу мақтовларга сазовор. Бироқ бу ўринда масаланинг бошқа бир томонини ҳам назардан соқит қилишимиз керак эмас. Гап шундаки, мамлакат бўйлаб ўтказилган ҳар қандай тадбир давлатнинг аралашувисиз юзга чиқиши қийин. Шахсий ташаббусларнинг барчасини ҳўқумат қўллаб, қонун йўли билан уларни ҳўйма қилмас экан, унинг натижаси самара берамайди. Навоийлар қўрган туркий тил масаласи XV аср муҳитида жуда қалтис ва мураккаб ишлар эди. Бинобарин, унга подшолик мақамалари кўмак бермаса, ҳар қанча ҳаракат, натижасиз қўлиш мумкин эди. Фикримизча, даставвал ўзбек тилини тиритириш, уни давлат тили миёнига қўтариш ҳаёли султон Хусайнинг миёсини узоқ вақт банд этиб келган. Тахтни қўлга киритгач, биринчи вазифаларидан бири шу тилини расмий давлат тили сифатида муомалага киритишни ўйлаган. Бойқаро шу ишни юзга чиқаришга қўлидан иш келадиган тил мутахассисларини, шоирларни таржимонларини, тарихчиларни, мадраса мударрисларини, кутубхоначиларини, ҳатотларни шу ишга қаттиқ жалб қилган. Ҳаммадан бундан у шу тилда форсча китоблардан қолшмайдиган асарлар яратиб, туркий тил имкониятларини кўз-кўлашгани орзу қилган. Шунга эришиш ниятида Навоий асарларини тезроқ чоп эттириб, аларо тарғиб қилинишни ўйлаган. Навоий ва Бойқаро ўрталаридаги ёзишмалар Хондамир, Мирхонд, Восфий, Давлатшоҳ, Исфизорий, Ялалиддин Юсуф каби тарихчиларнинг асарларидан маълумот берилишича, шоирнинг деярли ҳамма асарларини тезроқ китоб қоллига келтирилишига шахсан подшонинг ўзи бош-қош бўлиб турган.

Хусайн Бойқаро ташаббуси билан ўзбек тилида яратилган асарлар юзасидан тез-тез адабий анжуманлар ҳам ўтказилиб турган. Бу «олий» мажлислашар шахсан Бойқаронинг ўзи иштироқ этиб, гоғт керакли маслаҳатларини айтиб турган. Қисқаси, бу улғу давлат арбоби Навоийнинг Навоий бўлиб танилишида беҳад катта моддий, маънавий ёрдам етказиб, маданиятимиз тарихини бойитишга, уни дунёга танитишга беғиёс даражада улғуш қўшган мубориздир. Навоий ва Бойқаро ўрталаридаги самимий дўстлик бутун жумла-жаҳонга абадий намуна ва ибрат бўлувдидир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,  
филология фанлари номзоди.

## АЛЛОМАНИ ХОТИРЛАШ УҶУН




Боши 1-бетда.

## ТАНЛОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Касб маҳорати бўйича беллашувда ҳам ҳар бир тарбиячи саволларга тўлақонли жаваб бериб, педагогик фаолиятдан мисоллар келтирди. Бунда ҳам, шубҳасиз, аини пайтда муҳим саналмиш боғча жамоаси билан олинган етарли ҳамкорлик қилмаётгани, натижада бунинг бола тарбиясига таъсир ҳамда кичкинтойлар учун уйинчоқларнинг етарли эмаслиги, ноҳиядаги кўпчилик боғчаларда таслим-тарбия жараёнининг эссон рус тилида олиб борилиши, вақтоликчи болаларга миллий тарбия бериш шу кўннинг талаби эканлиги каби муаммолар танловда ўз эксини топди.

## Устоз Алишер Навоий дунёнинг ҳар бир хонадонида марғур яшамоқда. Чирчиқ шаҳрида ҳам унинг катта ҳайкали ўрнатилган. Шаҳар меҳнат аҳли унинг бузук сиймосини ҳаммаша зиёрат қилади.



Аллома мероси мактаб, олий таълим ва маданий марказларнинг бебаҳо хазинаси. Унинг кўзини очиб ҳар бир муаллим ва мударриснинг виждоний бурчи. Ташкент шаҳридаги 102-мактабда Навоий дарслари яхши йўлга қўйилган. Суратда: муаллим болаларга Навоий дарсидан сабоқ бераётгани акс этган.

Р. АЛБЕКОВ суратлари.



Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди.

## ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

ИЙГЛАБ ЭМАС, БАЛКИ...  
Матбуотини кўп йиллардан буй мунтазам кузатиб бораган. Афсуслар бўлсинки, рўномадаги (собиқ «Еш Ленинчи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ойномалар («Еш кўч», «Саодат») да халқни йиғлатадиган, мунисликка, мутеликка ундайдиган мақолалар берилмоқда. Айниқса, радиога худо берди. Шу йилининг 9 январь кўни радиоининг биринчи дастури орқали халқимизга бола йўқлаш ўргатилди. Қанчалик уят, шармандалик бу!  
Мен шу йўсинда ёзилган мақолаларни номма-ном келтирмоқчи эмасман. Удў халқимдан, ҳўрматли ёзувчилар, севимли журналист ва муҳбирлардан илтимосим шунки, халқни курашга, жасоратга, ташаббусга, орномуга, ориятга ундовчи асарлар, кинофильмлар, сахна асарлари ёзиладур. Йилгоҳи асарни ўқиш ёки тинглаш қанчалар оғир.  
Ахир замон замон бўлганда буйн ҳеч бир халқ ҳақини йиғлаб эмас, балки курашиб эришган-ку! Буюк Амир Теуур халқнинг йиғлагани учун эмас, курашгани учун халқ қилган-ку!  
Биз йилгоҳи, сотқин, қўрқоңлигимизнинг қўрбони бўлди-ку, ахир! Файзулла Ҳўжаев, Акмал Икромов, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари ор-номусли, жасур ўғлоларимиздан шунинг учун ажралмадикми?!  
Мен халқимнинг талантига, жасоратли галабасига, порлоқ келажакка ишонаман.

Сайдрасул ДУВЛАЕВ,  
Самарқанд вилояти Қўшрабат ноҳиясидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.



ИЛМ АҲЛИ ҲАҚИДА

Илм-маърифатнинг, билим-заковатнинг қадр-қимматини аҳамиятини юқори баҳолаётган, Юсуф Хос Ҳожиб олимлар, фозиллар, дошмандлар таърифида ардоқли сўзлар айтаётган, уларнинг мадҳ этади. У илм аҳли энг мўътабар, таҳсинга лойиқ кишилар эканликларини, уларнинг йўл-йўриқларини билан мўътадил ҳаёт тарзи қарор топиши, рисоладагидек жамият қуриб, турли ижтимоий табақалар, гуруҳ ва топалар ўртасида чинакам алоқа, муносабат-муомалани янза солиш мумкинлигини ҳақиқат фикрини изчил таъриб қилади. Илм аҳлига хос бўлган хислат-фазилятлар улар илмларининг инсон ҳаёти йўлига машғулдек нур сочиши, эсиқ-эзгу, ёмон-яхши, эри-тўғри, ёлгон-чин, ноҳақ-ҳақ, зулмат-зиё, жаҳолат-адолат, ҳаром-ҳалол, диёнат-риоят, нопок-пок, хиёнат-омонат, разолат-рафоат каби инсоният билан баравар турилган азалий ёвузлик билан хайрият ўртасидаги кўтбый қарама-қарши жиҳатларнинг қаттол курашида ёвузликни мағлуб этиб, хайриятнинг ғолиб келишига йўл-йўриқлар кўрсатишда намоён бўлади.


мазмуни:

яна бир тоифа — олимлар булар улар илми халқнинг йўлини ёритар уларни қаттиқ сев ағирла сўзин билгиларин ўрган уқуш я азин мазмуни: уларни жуда сев, қадрла сўзин билгиларин ўрган кўпин ҳам озин улар ул яра я ярамаслариг сечиб эзра тутган кўни йўл ариг мазмуни: Воёла шундай содир бўлган эди: отамнинг вафотидан сўнг яшаш ахлоқини эфтиришгани сабабли онам Роҳат Холмуродова (ҳозир 85 ёшда) ва Абдумажид улар илмин ўрган, билимини бил бериб ҳади, инъом, дағал тутма тил булар ул ҳақиқат бу дин тиргуки улар билги ул чин шарият кўни мазмуни: улар ҳақ, диёнат ва дин тиргаги улар илми — ростлик, шарият — теги йўқ эрса ажунда бу алим бўгу тикиб унмагай эрди ерда егу мазмуни: оламда йўқ эрса олимлар асил экиб унмас эрди ер узра ҳосил улар илми бўлди бузуңқа юла ярусса юла тунла азмас йўла мазмуни: улар илми халққа мисоли чирор

УМИДИМ

Мен Қашқадарё вилояти Гузор ноҳияси Афғонбўғ қишлоғида яшовчи қаҳрамон онам, Қалбида яшаб келаётган армонимни рўзнама ёрдамида рўзба чинаришга умид болаган ҳолда хат йўллашга жазм этдим. Воёла шундай содир бўлган эди: отамнинг вафотидан сўнг яшаш ахлоқини эфтиришгани сабабли онам Роҳат Холмуродова (ҳозир 85 ёшда) ва Абдумажид улар илмин ўрган, билимини бил бериб ҳади, инъом, дағал тутма тил булар ул ҳақиқат бу дин тиргуки улар билги ул чин шарият кўни мазмуни: Аммо 1941 йил Улуғ Батан уруши бошланиши муносабати билан болалар уйи Бухорога кўчирилган, шу жумладан, акаларим ҳам ўша жойга юборилган (Абдумажиднинг ёши 12 да, Абдумажиднинг ёши 9 да эди). Мама орадан 51 йил ўтди. Аммо мен ва онам акаларимнинг дийдорини кўришга интизоримиз. Қайласиз, акажонлар?..

С. АШИРОВА.



КИЧИК ЕРДАМЧИ.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

ҲАР ТҮҒРИДА

КОНАКРИ. «Дунёни фалокатдан қутқарайлик» — Гинья поёхташда шундай шир остида болалар расмлари танлов бошланди. У Қизил крест ва қизил ярим ой Гинья миллий жамияти ташаббуси билан уюштирилди ва февраль ойининг охиригача давом этади.

Мусобақа шартлариға кўра, бугунги кунгача республикада болалар қатнашини мумкин. Энг ахши асарлар турли хилдаги миллий ва халқаро кўргазмаларга қўйилди. Танлов ташкилотчилари ана шу тadbир ёрдамида ота-оналарга сайёрамизни болалар кўзи билан кўришга, табиатга ўнглаб бўлмас шикаст етказмаётган масъулиятсиз ҳатти-ҳаракатлар қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги хусусида уларни ўйлашга мажбур қилишга муваффақ бўлди, деб ҳисоблашмоқда.

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Бангун шаҳри аҳолисида бир Гинес рекордлар китобига тушиш учун ўз олдига бир ой чаёлар билан яшашдек вазифани қўйди.

Цепан исмли қирқ икки ёшли бу индонезиялик Жакарта савдо марказларида бирда қилинган кўз ўнгига қўйилган катта шиша идишда ана шу захарли жониворлар билан «ўстлашилди». У чаёлар билан беш ёшдан оғир бўлиб кетганини фикрга қараганда, чаёлар, агар уларга зарар етказилса, одамларга ҳужум қилади. Индонезиялик ўз сўзини тасдиқлаш учун агрофидо ўрлашиб юрган «ўстларини» ҳовучга олиб ботиға қўйди ва бу билан тошсабинларда ҳайрат уйғотди.

ВИНДХУК. Жапоний Африканинг Питерсбург шаҳарчасида ёшони асарларини жуда ҳалдан охиб кетди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарлар жанг майдонларидан ўнчаб кетди. «Стар» рўзномасининг хабар қилишига, ҳалдан ошган ҳашаротлар ана шу аҳоли пунктдаги даҳларнинг бирда яшовчи кишини олти соат мобайнида ўраб олган.

Эртасига улар қутилмаганда йўловчиларга ҳужум қилган, беш нафар йўловчи касалхонага олиб келинган. 65 ёшли Жаннет Хеннинг хушига келмай оламдан ўтган.

АФИНА. Ажал уруғини сеувчи микробларнинг пайдо бўлиши Греция қирғоқларида дельфинларнинг қўллаб ҳалок бўлишига олиб келмоқда. «Гринпис» ташкилоти Греция бўлимининг мутахассислари шундай хулосага келдилар. Улар бу ерда сешанба кун журналистлар билан учрашувда Голландиядаги илмгоҳларнинг бирда қўллаб тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг жониворларнинг инмум тизимини сусайтирувчи ва икки ҳафта мобайнида уларни ҳалокатга олиб келувчи ДДВ вирусига бунга сабаб бўлаётганини аниқлаганлар.

Жюль Верн кечалари ухломганга пайтларда дедри тўрт минг топишмоқ тўққан экан...

А. Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва тайёргарлик Марказий институтини ресторати, касба уюшма жамоаси олийгоҳнинг проректори Ф. Б. Шоумарова онаси

Кумрихон Мирзахонина ШОУМАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

ЭКСТРАСЕНСЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Ассоциация Узбекистон Маданият жағмармаси хузурида фаолият кўрсатади. Узбекистон экстрасенслар уюшмасининг президенти этиб фалсафа фанлари номзоди, магистр-экстрасенс Яхъё Шермухамедов сайланди.

— Уюшма, — деди унинг президенти, — феноменал қобилиятга эга бўлган хислатли инсонларни бирлаштирилади, мактаб, ўрта махсус ва олийгоҳлар талабаларидан хислатлиларини танилади, малакасини оширишда кўмаклашади, медицина олийгоҳларига интизорсиз қабул қилиш учун йўллама бериш ҳуқуқиға ҳам эга бўлади. Ассоциациянинг йўриқ ва низомида кўрсатилганича, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари, касалхоналарда бепул хайрия сеанслари мунтазам олиб борилади.

Энг муҳими, Тошкент шаҳар, Маяковский кўчаси, 6-ўйда жойлашган Маданият жағмармаси биносиде (уюшманинг манзили шу ерда, телефони — 33-04-28) экстрасенслар малакасини ошириш курслари очилди. Луқмони Ҳаким номидаги шифо маркази доимий фаолият кўрсатади. Анатолий Кашпировский номидаги ўқув маркази иш бошлади. Унда талабалар Шарқ, Оврупо ва Оснв экстрасенсларининг иш услуби ва Кашпировский, Жуна Давиташвили методлари асосида ўқитилади. Ассоциация чет эл мамлакатлари билан битим асосида экстрасенслар айирбошлаш ишнини йўлга қўйди.

Таълимоти амалий тажрибалар асосида илмий тадқиқ қилинади. Ассоциациянинг низоми ва дастуриға кўра, бугунги кунгача республикада экстрасенслар ўртасида ҳужм суриб келаётган бебошликка барҳам берилди, ишсиз, меҳнат қилишга имконсиз бўлган ва турли экстрасенс мактабларини битириб чиққан гаройиб хислат эгаларига ғамхўрлик ишлари амалга оширилди.

Камол СИРОЖИДИНОВ, фалсафа фанлари кандидати.

ЗАМОН РУҲИГА МОС

Авалло, адабиёт фани, тафаккурнинг сунги ютуқлари, бошқа жумхуриятларнинг бу соҳадаги иборатли тажрибаларига таянган ҳолда замон руҳига мос, давр талабларига тўла жавоб берадиган дастур лойиҳаси майдонга келганлигини мамнуният билан таъкидлаш зарур. Истеъдодли муаллифлар жамоаси узоқ асрлик ўзбек адабиётининг бутун бойлиғини нафосатини, ёрқин ва ўзига хос фазилатларини бутун кўлами билан ўқувчи кўз ўнгига намоён этишга кўп куч, маҳорат ва қалб кўрнини бағишлаган. Бой ва қадимий адабиётимизнинг сон-саносиз намуналари орасидан чинакам эстетик қимматга эга бўлган, ўқувчи қалб ва ақлини ўзига ром эта оладиган мафтункор асарларни танлашга ҳаракат қилинганлиги, уларга энг аввало санъат асари, бадний кашфиёт сифатида ёндашилганини янги дастурнинг энг муҳим фазилатидир.

Дастурда қардош ва жаҳон адабиётининг сара намуналарига нисбатан кенг ўрин акратилганлигини ҳам маъқуллаш лозим. Бу ёш авлоднинг барнамол инсон бўлиш шаклланишига, бошқа халқларга ҳурмат руҳида тарбияланганига ёрдам беради.

Адабиёт ўқитиш одат тусига кирганидек, икки босқичга бўлинган, V—VIII синфларда халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи, қардош ва чет эл адабиёти, шунингдек, XX аср ўзбек адабиётининг эътиборга сазовор намуналари ўргатилиши, IX—XI синфларда эса ўзбек адабиёти тарихи, XX аср адабиётини изчил ва системали равишда ўқитишни диққат марказига олиб фойда бўлган йўл тўтирилган. Адабиёт илми ҳақида дастлабки назарий маълумотларнинг берилиши, обзор мавзулар ихчамлаштирилганлиги, илгари дарсликларга мутлақо киритилмаган атоқли шoir ва адиблар ижоди илк маротаба монография тарзда ўргатиш учун дастурдан ўрин олганлигини ҳам ижобий баҳолаш жоиздир.

Дастур лойиҳаси муҳокама масида унинг қатор фазилатлари билан бирга нуқсонлари хусусида ҳам жиддий эътибор билан тадқиқ қилинган бўлиши, ўзлаштириш қийин, монография тарзда ўқилиши лозим бўлган ёзувчилар метёридан кўпайиб кетган, бу эса ўқитувчилар ишини мушкуллаштиради», — бу таъкидий фикр билдираётганларнинг асосий даъвосидир. Бу даъвога мутлақо қўшилиб эсимайди. Аввало, V синфдан XI синфгача бўлган етти йиллик муддат учун мўлажалланган мавжуд адабий материаллар пухта ўйланган ҳолда имкон қадар соддалаштириб берилган, раво ва қизиқарли ифодаланган. Монография усулда ўқитиладиган фигуралар масаласига келганда, шу фикрни айтиш жоизки, адабиёт тарихидаги ёхуд ҳозирги адабиётнинг энг талантли ва атоқли намоёндалари, албатта, ўрнини эгалламоғи лозим.

Янги дастур ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган, юқори илмий савияда яратилган сингари қатор бошқа фазилатлари ҳақида ҳам кенгроқ тўхталиб ўтиш мумкин эди. Лекин юқорида билдирилган айрим мулоҳазаларимизнинг ўзини дастур лойиҳаси замон талабига мос ҳолда яратилганини, жуда кўп адабий ҳолисалар ва асарларга холисона ва адолат билан ёндашилганини кўрсатади. Лекин айрим ўринларда метёрига етмаган фикрлар, қайтариқлар, илгариги қоидалардан бутунлай халос бўлмаган мулоҳазалар борлигини, назарий билимларни янада ихчамлаштириш ва соддалаштириш, турли болларнинг савиясини бир-бирига яқинлаштириш лозимлигини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Малика ИНОҒОМОВА, Тошкентдаги Обид Содиқов номи 249-мактаб олий тоифали адабиёт ўқитувчиси, Шўҳрат нишони совриндори.

БИЛАСИЗМИ?

Ширинлиги шайдолари 100 грамм асални ҳаш-паш дегунча еб қўяди. Лекин асалари шунча асални тайёрлаш учун 190 минг гулдан «бўса» олиши ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Ер юзюда энг очкўз ва мечкай мавжудот ўргимчакларнинг бир туридир. Бу мавжудотнинг «нонушта» вақтида ейдиган овқатнинг ҳажми ўзининг ҳажмидан тўрт марта, «тушлиги» тўғриси марта кўлидр. Агар 70 килограмм оғирликдаги бир киши шу ўргимчакдай тез ва кўп овқатланганда эди, бир кунда унга тахминан икки тоғона овқат керак бўларди.

Одам бир минутда 25 мартагача кўзини қисар экан ва бунда ҳар гал кўз секунднинг ўндан икки улуши қадар юмюқ тураркан. Бундан чиқадиги, агар ҳайдовчи соатига 40 километр тезлик билан 10 соат машина ҳайдаса, йўлни 33 километрини кўзи юмюқ ҳолда ўтказган бўлади.

Соғлом киши бир кунда тахминан 20 минг, бир йилда етти миллион, 70 ёшга киргунча эса 500 миллионгача қадам босаркан. Бунинг маъноси шуки, кишининг бутун умри давомида босадиган йўли Ер шарини экватор бўйлаб тўққиз марта айланиб чиқиси билан баробар, ёки Ердан Ойгача бўлган масофага тенгдир.

Американинг боғларида ҳаёт кечирадиган шундай бир шиллиққурт борки, табиат сахийлик қилиб унга 14 минг 175 та тиш берган.

Жюль Верн кечалари ухломганга пайтларда дедри тўрт минг топишмоқ тўққан экан...

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ФАЙЗУЛЛА ҲУЖАЕВ НОМИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ кафедралар бўйича бўш турган лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ КАФЕДРА МУДИРИ: — рус тилшунослиги кафедрасига. ДОЦЕНТЛАР: — сиёсий тарих кафедрасига; — табиий фанлар бўйича фалсафа кафедрасига; — куллиётларо чет тили кафедрасига; — алгебра ва таҳлил кафедрасига. КАТТА ҲАММАТЛАШЧИЛАР: — ижтимоий фанлар бўйича фалсафа кафедрасига; — куллиётларо жисмоний тарбия кафедрасига; — СССР тарихи кафедрасига; — рус тилшунослиги кафедрасига; — рус тилини ўқитиш амалиёт курси кафедрасига; — умумий математика кафедрасига (2 нафар); — бошланғич таълим услубиети кафедрасига. ҲАММАТЛАШЧИЛАР: — сиёсий иқтисод кафедрасига; — табиий фанлар бўйича фалсафа кафедрасига; — СССР тарихи кафедрасига; — ўзбек тилшунослиги кафедрасига; — тожик тили ва адабиёти кафедрасига; — инглиз тили кафедрасига (2 нафар); — рус ва чет эл адабиёти кафедрасига; — информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасига; — хор дирижёрлиги ва ашула кафедрасига; — жисмоний тарбия назарияси ва услубиети ҳамда гимнастика кафедрасига. ҲАММАТЛАШЧИЛАР: — таърих ва таълим ўқитувчиси: — таърих бўлимига. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 705018, Бухоро шаҳри, Узбекистон 40 йиллиги кўчаси, 11-уй. Телефон — 3-23-15.

Таъсис этувчилар: Узбекистон Халқ таълими вазири, Халқ таълими ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси ҳамда Узбекистон Педагогика жамияти. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси набаатчиси — 33-90-50.